

## “ЭЛЕКТРОН ПЕДАГОГИКА”НИНГ НАЗАРИЙ АСПЕКТЛАРИ

Севинч Элёр қизи Бахтиёрова

Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти талабаси

### АННОТАЦИЯ

Мақолада янги фан “Электрон педагогика”нинг ўзига хос назарий аспектлари тахлил этилган ва тавсиялар берилган.

**Калит сўз:** электрон, педагогика, инновация, назария, аспект, таълим, тарбия, амалиёт.

### THEORETICAL ASPECTS OF ELECTRONIC PEDAGOGY

### ABSTRACT

The article analyzes the specific theoretical aspects of the new discipline "Electronic pedagogy" and makes recommendations.

**Keywords:** electronics, pedagogy, innovation, theory, aspect, education, upbringing, practice.

### КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси “2022-2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича Миллий дастури”да барча фанлардан янги авлод ўкув адабиётларини яратиш ва инновацион фан соҳаларини ривожлантириш вазифалари қўйилган [1]. Шу жиҳатдан “Электрон педагогика” Умумий педагогиканинг янги таркибий қисми ва инновацион асосларга таянган ҳамда шаклланиб келаётган янги фан тармоғи сифатида кейинги пайтларда педагог олимларнинг эътиборини торта бошлади. Педагогиканинг янги мазкур ўйналиши бўйича янги авлод адабиётлари яратиш долзарб бўлиб турибди. Бу ўринда эътиборингизни ана шу фаннинг энг муҳим назарий аспектлари тахлилига тортамиз.

### АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

1. *Таълим бериши хусусияти.* “Электрон педагогика”нинг бошқа педагогик фанлар қаторида асосий негизини шахсга таълим бериш ташкил этади. Айни пайтда, мазкур фаннинг таълим бериш вазифаси ўзига хос хусусиятларга эгалиги билан ажралиб туради. Бунда аввало мазкур фан ахборот-коммуникацион

воситаларнинг энг муҳимлари бўлган компьютер, ТВ, радио каби ўқув-техник жиҳозларга таяниши билан ўзига хос хусусиятга эга. Айни пайтда, фаннинг таълим бериш вазифаси ана шу воситалари асосида амалга оширилиши билан педагогик туркумдаги бошқа фанлардан фарқланиб туради. Шу жиҳатдан “Электрон педагогика” фани таълим беришда қуйидаги хусусиятларга эгалиги билан диққатни тортади:

а ) билим беришда энг асосий маълумотлар ва хабарларга асосланади, кези билан бу хабарлар ва маълумотларни такомиллаштириб бориш имконияти мавжуд;

б) таълим маълумотларини янги тадқиқотлар, ихтиrolар ва кашфиётлар хулосалари асосида мунтазам текшириб боради;

в) таълим беришнинг вақти ва муддати чекланганлиги билан муҳим хусусиятга эгалиги намоён бўлади, бунда вақт ва муддат омилидан таълим оловчининг унумли фойдаланиши тақозо этилади [2].

Эътибор берилса, мазкур фаннинг таълим бериш вазифаси бутунлай янги хусусиятларга эгалиги билан муҳим аҳамиятга эга.

2. *Тарбия беришдаги хусусияти.* “Электрон педагогика” фани шахсга тарбия беришдан ўзига хусусиятларга эгалиги билан кўзга ташланади. Ахборот ва технологияларнинг ривожланиши жараёнида таркиб топаётган мазкур педагогик фан шахс тарбиясига нисбатан мутлақо янгича ёндашувларга асосланиши билан эътиборга молик. Шу жиҳатдан ушбу фаннинг тарбия бериш хусусиятларида қуйидагиларга асосланилади:

а) шахснинг тарбияси тарбияга оид маҳсус тузилган топшириклар воситасида амалга оширилади, бунда топшириқ оловчи уни бажариш жараёнида аҳлоқий фазилатларни, тарбиявий муносабатларни ва хатти-харакат кўнималарини ўзлаштиради;

б) тарбияда шахсни фаоллаштирувчи вазифанинг устувор билиниши, бунда тарбия оловчи шахс турли топшириклар, тестлар ва мустақил таълим воситалари асосида мунтазам фаоллаштириб борилади, унинг фаоллигига кўра тарбияланганлик даражаси баҳоланади;

в) тарбиявий тадбирларнинг мунтазам янгиланиб бориши, бунда ахборот-коммуникацион воситалар имкониятлари асосида тарбия тадбирлари изчил равища янги эҳтиёжлар, заруриятлар ва талаблар асосида тезкор равища янгиланиб боради, асосий эътибор тарбиявий тадбирларнинг ўз вақтида ва тезкор равища таъсир кучига эга бўлишига қаратилади.

Диққат қилинса, бу инновацион фан тарбия бериш масаласида ҳам бутунлай янги асосларга таянади ва аста-секин унинг бу борадаги объекти аниқлашиб бормоқда.

3. *Ўзлаштириши амалиёти.* “Электрон педагогика” шахсга, умуман таълим олувчиларга таълим ва тарбия бериш масаласида инновацион ёндашувга эга эканлиги туфайли мазкур масалалар бўйича ўзлаштириш амалиётига ҳам асосий эътиборни қаратади. Шу жиҳатдан ушбу фаннинг ўзлаштириш амалиёти хусусиятларини қутилдагилар муҳим ўрин тутади:

- a) таълим олувчининг таълим ва тарбия соҳасида кўникма ҳосил қилганлик даражаси;
- б) шахснинг (кўп ҳолларда педагогнинг) “Электрон педагогика” нинг таълим-тарбия назарияси асосларини билиш даражаси;
- в) шахснинг “Электрон педагогика” асосида таълим ва тарбиянинг кутилган самарадорлигига эришганлик даражаси.

## ХУЛОСА

Мана шу мезонлар асосида таълим олувчиларнинг ушбу фан бўйича ўзлаштирганлик даражаси баҳоланади ва уларнинг ўзлаштириш даражасини ривожлантириш йўналишлари бегиланди.

Эътибор берилса, “Электрон педагогика”нинг назарий аспектлари Умумий педагогика асосларига таянса-да, лекин мазмун жиҳатидан ўзининг ёндашувлари ва хусусиятларига эгадир. Шу жиҳатдан таълим, тарбия ва ўзлаштирганлик амалиёти масалаларига мазкур инновацион фаннинг объекти илмий-тадқиқотлар, амалий кузатишлар ва тажрибалар асосида ривожланиб бораётганлигини эслатиб ўтиш жоиз [3].

Шундай қилиб бугунги кунда олий педагогик таълим жараёнида инновацион фан “Электрон педагогика”нинг назарий масалаларини тадқиқ этиш, бу борадаги янгича ёндашувларни тизимлаштириш ва тавсиялар мажмуини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси “2022-2026 йилларда ҳалқ таълимини ривожлантириш бўйича Миллий дастури”. // [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
2. Сборник материалов для электронных учебных литературы. –Москва, 2007
3. Мардонов Ш.Қ. Педагогика фанидан ўқитишининг электрон модулли дидактик таъминотини ишлаб чиқиш технологияси. – Тошкент, 2021